

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ўрганиш

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) ва унинг тизим ташкилотларининг 2020-2022 йиллардаги молия-хўжалик фаолияти текширилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижроси ўрганилди.

МТРК тизимида жами **36 та** ташкилот ва муассаса (*31 таси юридик шахс*) мавжуд бўлиб, шундан **27 таси** бюджетдан молиялаштириладиган, **9 таси** хўжалик ҳисобидаги муассасалар ҳисобланади.

Ўрганишлар натижасида қатор хато ва камчиликлар аниқланди.

*Мисол учун, тизим ташкилоти томонидан 2019-2021 йилларда ёнғин-қўриқлаш тизимига хизмат кўрсатиш бўйича ўтказилган 6 та танлов савдоларида бир-бирига **аффиланган** жамият билан **3,3 млрд сўмлик 6 та** шартнома тузилган.*

*Оқибатда эса, ушбу корхонлар ўртасида тасдиқланган бажарилган ишлар, хизматлар далолатномаларига ва тўлов ҳужжатларига жами **890 млн сўм** (ҚҚСсиз) **бажарилмаган** иш, хизматлар **қўшиб ёзилганлиги** маълум бўлди.*

Бундан ташқари, МТРК тизимида ижро назорати тизими талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги оқибатида, берилган **1 488 та** топшириқдан **13 тасининг ижроси таъминланмаган**.

Аниқланган ҳолатлар бўйича текшириш ҳужжатлари асосида Бош прокуратура томонидан тегишли ҳуқуқий баҳо бериш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура томонидан аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва тегишли чоралар кўриш бўйича тақдимнома ва кўрсатмалар киритилди.